



## Ислом Нури

Одатда болалар кимгадир ўхшагилари келади. Хар бир бола ўзича қахрамон, бўлсам, дейди. Уларнинг гапига кулок солган одам мана бундай сўзларни эшитади: «Мен фалончига ўхшаган зўр каратечи бўламан!» «Мен Имом Бухорийга ўхшаган олим бўламан!» «Мен Мишорийга ўхшаб Куръонни чиройли ўқийдиган машхур кори бўламан!» Ана шунака. Хар ким ўзининг яхши кўрган одамига ўхшагиси келади.

Биронта одам: «Сизлар кимга ўхшаган бўлишни хоҳлайсизлар?» – деб сўраса, нима деб жавоб берасизлар? Тўхтанглар, аслида кимни энг кўп яхши кўришимиз керак? Дунёда энг яхши одам ким ўзи? Бу оламда ҳамма томонлама кучли одам борми? Битта инсон бир вақтнинг ўзида ҳам пахлавон, ҳам олим, ҳам жуда аклли, ҳам энг одобли, ҳам энг чиройли бўла оладими? Мана шунака одамни биласизларми? Билмасангизлар, мана энди билиб оласизлар.

Бу дунёда ҳамма жихатдан мукамал, ҳамма хавас киладиган инсон Ҳазрат Муҳаммад соллаллоху алайхи ва саллам бўладилар. У кишининг иймонлари ҳамманикидан кучли бўлган. Пайгамбаримиз Аллохдан бошка ҳеч кимдан кўркмаганлар. Агар жангга тушсалар, душманларнинг ҳаммасини енгиб кўярдилар. Золимлар узок мамлакатларда туриб ҳам Расулуллохдан кўрқаверар эдилар. Пайгамбаримиз ҳаммадан илмли бўлганлар. Келажакда нима ишлар бўлишини ҳам Аллохнинг ёрдами билан олдиндан айтиб берганлар. У киши Куръоннинг ҳаммасини ёддан билганлар. Куръонни Расулуллохдек чиройли ва кўп ўқийдиган ҳеч ким бўлмаган. Расулуллох жуда ҳам одобли, ширин тил, камтар, хаёли, уятчан ва роса ҳам чиройли инсон эдилар. Пайгамбаримизни бир марта кўрган одам яна бир кўрсам, деб юрарди. Бир марта сўзларини эшитган инсон яна бир бор суҳбатлашсам-ку, деб орзу килиб коларди.



## Ислом Нури

Расулуллох камбагаллар ва мазлумларга меҳрибон, етимларни яхши кўрадиган, ҳаммага очик чехра билан муомала киладиган, жуда ҳам сахий одам эдилар. У киши ана шундай яхши инсон бўлганлари учун ҳам Ислом дини ҳаммага ёкиб колди. Мусулмонлар кўпайиб кетишди. Эхе... Мухаммад саллаллоху алайхи ва салламнинг сифатларини айтиб адогига етказиб бўлмайди. Шунинг учун яхши болалар ҳамма ишда у кишига ўхшаган бўлишга ҳаракат киладилар.

Пайгамбаримизни кўрган одамни ким дейилади? Пайгамбаримизни кўриб, у кишига иймон келтирган кишини **САХОБА**, дейилади. Сахобалар пайгамбаримизни жуда яхши кўришган. У кишига ўхшаган инсон бўлишга ҳаракат килишган. У кишининг килган ишларини килиб, айтган сўзларини бажаришган. Расулуллохнинг килган ишларини **СУННАТ**, деб айтилади. Айтган сўзларини, килган насихатларини **ХАДИС**, дейилади. Биз Расулуллохни иншоаллох, жаннатда албатта кўрамиз. Бунинг учун ҳозирдан бошлаб у кишининг айтганларини бажаришимиз керак.

Айтгандай, кизлар кимга ўхшаган бўлишлари керак? Кизлар Расулуллохнинг кизлари ва аёлларига ўхшаган одобли, илмли, кўркмас бўлишлари керак.

8 - коида. Биз ҳаммадан кўпрок Расулуллохни яхши кўрамиз. У кишига ўхшаган бўлишни хоҳлаймиз. Пайгамбаримизнинг бизга колдирган Куръон ва Суннатларини ўрганиб, унга амал киламиз.

### Саволлар

1. Сиз кимни яхши кўрасиз? Нима учун Пайгамбаримизга ўхшаган



Ислом Нури

Кимга ўхшаган бўлишни хоҳлайсиз? | 3

бўлишни  
хоҳлайсиз?

2. Пайгамбаримизнинг сифатларидан гапириб беринг.